Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 37 (2932)
ШАНБА
14 ФЕВРАЛЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкентликлар съездолди вахтасида

КПСС XXV съезди очилишига 9 кун қолди

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА

МАРРАДАН ЎЗИБ

«Тошкенткабель» заводининг ёшлари орасида комсомолларнинг КПСС XXV съездига йўллайдиган рапортига имзо чекиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бундай ҳуқуқни корхонада биринчи бўлиб картонаж кабеллари цехининг ишчиси А. Сизиков қўлга киритди. Ёш ишчи тўққизинчи беш йиллик топшириғини ҳам муваффақиятли адо этган эди. У сифатли маҳсулот беришда ҳам коллективга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётир. А. Сизиков корхона комсомолларининг умумий йиғилишида ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш ва барча маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ юқори сортларга топшириш мажбуриятини олган.

Корхонада ҳаммаси бўлиб 25 ёш ишчи комсомолл а р н и н г КПСС XXV съездига йўллайдиган рапортига имзо чекиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар қаторида қуювчи И. Абрамов, токарь В. Митрофанов, ҳайдовчи Ш. Иброҳимов каби меҳнат илғорлари бор. Ана шундай зарбдорларнинг ғайрат-шижоатига таянган корхона коллективи 1976 йилга белгиланган план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли а д о этмоқда. Корхонада январь ойи топшириғи барвақт адо этилиб, планга қўшимча ўн лаб минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Картонаж кабеллари цехининг коллективи социалистик мусобақада кетма-кет ғолиблик қилаяпти. Цех коллективи КПСС XXV съезди очиладиган кунгача планда белгиланганига нисбатан бирмунча кўп ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашаётир.

Бир беш йилликда—икки беш йиллик

РЕКОРДЛАРНИ ТАКРОРЛАБ

2-тикувчилик фабрикасининг тикувчиси, корхонада биринчилар қатори ўнлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган Нонла МУЗАФФАРОВА бугун ўзининг ўнинчи беш йилликдаги ишлаб чиқариш планлари тўғрисида ҳикоя қилади

Яқинда Ўзбекистон ССР Енгил саноат Министрлигининг раҳбарлари томонидан корхонамизнинг энг яхши тикувчилари тантанали суратда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Мени ҳам соат билан тақдирлашди. Соатнинг қопқоғига «Икки беш йиллик учун Ватан сизни табриклайди» деб ўйиб ёзиб қўйилган.

«Ватан табриклайди...» деб ёзилган бу совға мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Бундай соатни сўзсиз фахрланиб тақиб юриш мумкин. Ишлаш ҳам кўнгиллидир.

Менга ишониб топширилган кўйлакларнинг этак қисмини тикиш жараёни бир қарашда жуда оддийдек кўринади. Одатда ишчилар тикиш олдидан қилинажак ишларни белгилаб оладилар. Бу ишни ҳали кам тажрибага эга кишилар ана шундай бажарадилар. Мен Вера Килячкова ва бошқа малакали ишчилар тикишни ҳеч қандай белгисиз олиб борaверамиз. Бироқ буюмлар сифатига катта эътибор берган ҳолда назоратчилар томонидан ҳеч қандай эътироз билдирилмайдиган даражада тайёрлаймиз. Чунки белгилаб олиш учун ҳам минутлар сарфланади. Минутлар. Бир қарашда қисқагина дақиқа кўринса-да, юзта буюм тайёрлаш учун — юз минут ошиқча сарфланади. Агарда мингта буюм тайёрланадиган бўлса-чи?

Тўққизинчи беш йилликлар мобайнида иш вақтини тежаш ҳисобига ҳар кунги нормамни 220 процент бажаришга эришдим. 1975 йилнинг 15 декабри эса хотирамда сақланиб қоладиган кун бўлди. Ўша куни меҳнат иш ҳақи бўлимининг ходимлари мени икки беш йиллик топшириғини бажарганлигимни хабар қилишди. Тайёрлаган маҳсулотларимнинг сифати ҳам юқори даражада бўлди.

Бундай ютуқларга қандай қилиб эришдим?

2-тикувчилик фабрикасида 14 йилдан буён меҳнат қиляпман. Бу давр мобайнида каттагина тажриба орттирдим, тикувчилик бўйича бир неча мутахассисликни ўргандим. Зарур бўлиб қолган кезларда, бир вақтнинг ўзида икки жараённи ҳам бажара оламан.

Фабрикамизда КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда. Лойиҳанинг ҳар бир бўлими алоҳида фикрлашни талаб қилмоқда. Лойиҳадаги «тикувчилик саноатида ишни тубдан яхшилаш, корхоналарни ихтисослаштириш даражасини кенгайтириш» тўғрисида айтилган сатрларга катта эътибор берилмоқда.

Фабрикамизда кўплаб ёш ишчилар меҳнат қилишяпти, уларга кўплаб тажрибали ишчилар, шулар қаторида мен ҳам ёрдам беряпман. Керак бўлса, сменадан қолиб ҳам қизларга технологик жараёнларни тўғри бажариш йўлларини тушунтиряпман. Ветеранларнинг ёрдами — ёш ишчилар меҳнатини самарали бўлишини таъминлаяпти, маҳсулот сифати яхшиланяпти.

Бугунги кунда олдимиздаги асосий вазифа маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ўстиришдан иборатдир. Бу ерда гап ҳар бир ишчининг алоҳида, умуман олганда корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш устида бормоқда.

Бу соҳада ўнлар ташаббуси ишлаб чиқариш фаолиятининг турли томонларини қамраб олиб, ҳар бир ишчи ўрнида меҳнат самарадорлигини ўстиришга даъват этади. Бу ҳаракат минглаб ишлаб чиқариш илғорларини ўзига жалб этиб, уларни ўз меҳнатига ижодий ёндошишга даъват этмоқда. Унинг қимматли томонларидан бири ҳам ана шундадир. Ишлаб чиқариш илғорлари мажбуриятларининг асосий пунктларидан бири — маҳсулот сифатига кафолат беришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Мен ва ўн бир ҳамкасбим 2-тикувчилик фабрикасида ўнлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш, барча жараёнларни аъло сифатга адо этиш мажбуриятини олдик.

Қабул қилган мажбуриятимни муддатидан илгари бажаришимга сўзсиз ишонаман.

Мусобақа илғорлари

3-автобус паркининг коллективи ўртасида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракат янада кенг қулоч ёйдирилди. Ҳайдовчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида февраль ойи топшириғини муддатидан 20 кун илгари адо этган Зоир Юсупов ғолиблик қилаяпти. Илғор ҳайдовчи КПСС XXV съезди очиладиган кунгача 1976 йилнинг биринчи квартал планини бажариш ва топшириққа қўшимча минг сўм даромад келтириш учун курашаётир. Унинг изидан боришаётган И. Исмоилов, Т. Миржалилов, И. Қодиров каби ҳайдовчилар ҳам смена топшириқларини 140 процентдан ошириб бажармоқдалар. Меҳнат пешқадамларининг ҳар бири КПСС XXV съезди очиладиган кунгача 400 сўм даромад келтириш ва 400 литр ёқилғини тежаш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқдалар.

Корхонада техника воситаларига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам қатор ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Автобусларни маршрутларга чиқиш олдидан пухта созлашда В. Кобачук, А. Тешабоев, З. Файзиев каби ремонтчилар жонбозлик кўрсатишяпти. Улар ҳар куни маршрутларга чиқадиган автобуслар сонини 160 тага етказиш учун ички имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар.

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон пойтахти комсомоллари учун 13 февраль куни унутилмас кун бўлди. Социалистик мусобақанинг ёш ғолиблари, ўқув аълочилари КПСС XXV съездига район рапортларини шаҳар комсомолига топшириш учун В. И. Ленин номли Марказий музей филиалига келишди.

Ленин комсомолининг рапортига қўл қўйиш ҳуқуқи учун мусобақада Тошкентдаги ёш меҳнаткашлардан икки юз мингдан ортиқ киши фаол қатнашди. 11702 йигит-қиз ана шу юксак шарафга сазовор бўлди. Булар орасида беш йилликда ўн йиллик нормани бажарган ва «Беш йилликнинг ёш гвардиячиси» олтин нишони билан мукофотланган «Қизил тонг» тикув и ш л а б чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси Светлана Кривошчапова, «Миконд» заводининг и ш ч и си Елена Гальвас, заргар Ғани Абдураҳмонов, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар куни нормадагидан бир ярим баравар ортиқ маҳсулот чиқараётган тунукачи-слесари Геннадий Бриндин, Политехника институтининг студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, ўқув аълочиси Азиза Мунаввaрова ва уларнинг бошқа тенгдошлари бор.

Район комсомол ташкилотларининг вакиллари бирин-кетин микрофон олдига келадилар. Улар Тошкент ёшларининг съездолди зарбдор вахтаси тўғрисида, салмоқли совғалари ҳақида гапириб бердилар.

Ёшларнинг съездолди мусобақаси натижалари эълон қилинади. Фрунзе район комсомол ташкилоти съездолди мусобақасида биринчиликни эгаллади. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомоллари мусобақа ғолиблари деб ҳисобланди. «Социалистик мусобақа ғолибига» деган байроқча «Отделстрой» трестининг Нормурод Бобоёров бошлиқ энг яхши комсомол бригадасига топширилди.

Ўзбекистон пойтахтининг йигит-қизлари улуғ доҳийнинг ҳайкали ёнида меҳнат ва ғайрат эстафетасини ўнинчи беш йилликда ҳам олиб боришга, Ватан уларга «Раҳмат!» деб айтадиган даражада меҳнат қилишга сўз бердилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев рапорт топшириш тантанали маросимида нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

НУР ЧАШМАСИ

Тунги репортаж

ШАҲАР тун оғушида. Гўё бутун борлиқ уйқуга чўмган. Аммо Тошкент яқинида жойлашган бу нурхонада о д а т д а г и дай иш давом этмоқда. Бу ердан Тошкентгагина эмас, Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистонга ҳам нур узатилади. Ҳозирги пайтда Тошкент ГРЭСининг умумий қуввати 1 миллион 920 минг киловаттни ташкил этади. Бу қувват тахминан 20— 30 миллион лампочкани ёритишга етади.

Мана, ГРЭСнинг марказий бошқариш пультидамиз. Соат тунги бирга яқинлашяпти. Смена бошлиғи А. П. Шабалин, навбатчи Е. Д. Миликисянцлар станция ишини диққат билан кузатиб туришибди. Атроф эса турли хил жиҳозлар, аппаратлар билан тўла. Станция ишидаги ҳар бир ўзгариш, электр қувватининг кўп ёки нормадан оз ишлаб чиқарилаётганлиги бу ердаги жиҳозларда тезда намоён бўлади. Хонанинг шифти ўймакор ганч нақшлар билан безатилган.

— Бошқариш пультини ГРЭСнинг юраги дейиш мумкин, — дейди А. П. Шабалин. — Бу ердан энергия блокларининг иши бошқариб борилади. Станцияда 12 та блок бор. Ҳар бир блокнинг иши алоҳида датчикларда кўриниб туради. Тунги пайтларда, байрамларда электр қуввати камроқ талаб этилади. Шунинг учун, ёнилғини тежаш мақсадида блокларга ток узатишни камайтириш ҳақида буйруқ бериладн. Электр станциямиз Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон энергия системасига бирлашган. Бу албатта бизга янада катта масъулият юклайди. Чунки бизнинг ГРЭС системада тартибга солувчи станция бўлиб ҳисобланади.

Смена инженери М. Хўжамёров билан ГРЭСнинг блоклари билан таниша бошладик. Улкан қозонлар ичида гувиллаб олов ёнмоқда, генераторлар ва турбиналар тинимсиз ишлаб турибди. ГРЭС ўзининг тунги вахтасини адо этмоқда эди. Смена инженери блоклар иши билан мени яқиндан таништирди:

— Ҳар бир блок қозон, турбина, генератордан иборат. Қозонларда газ ёки мазут ёқилади. Унинг ичидаги ҳарорат 1,5 минг даражагача етади. Ана шу олов ичидаги ингичка трубалардан ўтаётган сув буғга айланади. Буғ эса турбиналарни ҳаракатга келтиради. Турбиналар ўз навбатида генераторни ишга солади. Генераторда ҳосил бўлган ток трансформаторла р д а тартибга солиниб, линияга узатилади. 12 блокнинг ҳар бирида ги иш ана шу принципга асосланган. Бир соатда бир қозонга 43— 45 минг куб метр газ ёқилади. Мазут эса 40 тоннага яқин талаб этилади.

Тунги сменага келишдан бир кун олдин ГРЭСнинг бош инженери Ўткир Ҳошимов билан учрашган эдик. У нурхонанинг тарихи ва бугунги кунда олиб борилаётган ишлари ҳақида гапириб берганди. Ўша суҳбат яна хаёлимда жонланди.

— Тошкент ГРЭСи 1961 йилда қурила бошлаган, — деганди Ўткир Самиғович. — биринчи блок 1963 йилда ишга тушди. Охиргиси эса 1971 йилнинг 12 сентябрида фойдаланишга топширилди. Ўтган йили лойиҳадаги қувватдан ошиб кетдик. 11,5 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бунга иш жараёнларини автоматлаштириш, турбина, қозон ва генераторларни муддатидан олдин ремонт қилиш туфайли эришилди. Қўлга киритган ана шу муваффақиятимизга юксак баҳо берилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг коллективимизга йўллаган табрик телеграммаси бизни янада юксак ғалабаларга илҳомлантирди.

Станцияни айланиб, 2-блокнинг бошқариш пультига келдик. Бу ерда ҳам барча иш автоматлар зиммасига юклатилган.

— Бизнинг асосий вазифамиз ёниш процессини, буғнинг турбинага нормал келишини кузатиб туришдир, — дейди машинист С. Очилов. —Қозондан чиқаётган буғ ҳарорати 540 даража атрофида бўлиши лозим. Босими эса 130 атмосферани ташкил этиши керак. Бизнинг цех ўтган йили республика бўйича ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Цехимизнинг тўрттала вахтаси ҳам Коммунистик меҳнат коллективи ўнвонига сазовор бўлган.

Шу пайт Марказий бошқариш пультидан «Ток қуввати пасайтирилсин» деган буйруқ келди. Смена бошлиғи Эдуард Лукич Кацал қандайдир мурувватларни буради. Датчиклардаги айрим стрелкалар секин пастга тушди...

700 метрга чўзилган корпус ичидан юриб ташқарига чиқдик. Бу ерда ярим тун эканлиги асло сезилмасди. Кишиларга нур туҳфа этишдек олийжаноб вазифани адо этаётган кишилар доимий муҳим иш билан банд эдилар.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

ТАШАББУСКОР ЧЕВАРЛАР

Ишлаб чиқариш командири Т. Балаева номини 2-тикув фабрикасида ҳар бир киши фахр билан тилга олади. Чунки у бошчилик қилаётган агрегат лобарлари КПСС XXV съездолди социалистик мусобақасида энг яхши кўрсаткичга эришган ҳолда меҳнат қиляптилар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида фақат аъло сифатли маҳсулот бериш ташаббуси билан иш кўраётган илғор агрегат чеварлари ҳар куни Сифат белгиси муҳри билан 170 тадан аёллар кўйлакларини тикишяпти. Бундан йигирматаси планга қўшимча ишлаб чиқарилмоқда.

Т. Усадова етакчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси чеварлари ҳам пешқадамлардан ортда қолишаётганлари йўқ. Бу машъалларнинг фидокорона меҳнати туфайли тикувчилар аҳил коллективи смена топшириғини ортиғи билан бажармоқда.

А. Козлов бошлиқ ремонтчилар бригадаси Сергели авиакорхонаси коллективи ўртасида бир неча йилдан буён социалистик мусобақада пешқадамлиқ қилиб келмоқда. Улар КПСС XXV съездига бағишланган декадаларда катта ютуқларни қўлга киритишяпти.

СУРАТДА: (чапдан) бригада бошлиғи А. Козлов ва ишчи Ш. Урисов вертолёт моторини ремонт қилишмоқда.

И. Шоиноғомов фотоси.

Тонгги газеталарда

◆ **Австралия Иттифоқининг СССРдаги элчиси Жеймс Плимсолл Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда. Жеймс Плимсоллни 12 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов қабул қилди. Элчи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов ҳузурида бўлди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари билан учрашди, шаҳарнинг кўркам жойларини томоша қилди.**

◆ СССР Гражданавиацияси министрлиги билан соҳа касаба союз Марказий Комитети 1975 йилнинг 4 кварталидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг коллективига кўчма Қизил Байроқ берди.

◆ **1976 йил 12 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос — 803» учирилди.**

Чили ватанпарварларини ҲИМОЯ ҚИЛИБ

«Луис Корвалан озодликка чиқарилсин!», «Фашист хунтасига лаънат!» деб ёзилган транспарантларни баланд кўтарган «Ташсельмаш» заводининг ишчилари Чили ватанпарварлари билан бирдамлик митингига тўпландилар. Бош мастер П. Саидов машинасозлар и н н г фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Жафокаш Чили диёрида бўлаётган қонли фожиаларни зўр ташвиш билан кузатиб бормоқдамиз. Фашист хунтаси ўз ўлими дақиқаларини чўзишга уриниб, озодлик ва демократия учун курашаётган ҳамма кишиларни қамоққа ташламоқда. У Чили халқининг ажойиб фарзанди Луис Корваландан ўч олишга тайёрланмоқда. Биз Пиночетга ва унинг хўжайинларига: «Ватанпарварлардан қўлингни торт!», деб айтамиз. Ишчилар аминдирларки, адолат тантана қилади, қутурган фашистларнинг жабрзулмига тарих хотима беради.

Инженер Ю. А. Крутьков, ишчилардан В. Л. Черкасский, завод касаба союз комитетининг раиси Н. А. Самарцев совет халқи Чили халқи билан бирдамликни мустаҳкамлашга тайёр эканлигини айтди.

Машинасозлар қабул қилган резолюцияда Луис Корваланни ва унинг сафдошларини дарҳол қамоқдан бўшатишни талаб қилдилар. Улар БМТ бош секретари К. Вальдхаймга ва БМТнинг инсон ҳуқуқи масалалари билан шуғулланувчи комиссиясига мурожаат қилиб Чили халқи содиқ фарзандлари ҳаётини қутқариб қолиш учун дарҳол чоралар кўришга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН!

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Чилонзор районида 42 та мактаб бўлиб, бунда 2 минг ўқитувчи 46 минг ўқувчига таълим-тарбия беради. Кечаги якшанба куни ана шу мактаб ўқувчиларидан 15 минг киши районларини янада обод ва кўркам қилиш учун умумхалқ ҳашарига чиқишди. Шу куни 5 километр узунликдаги ирригация шохобчалари тозаланди, 6 минг туп дарахтлар тагi юмшатилди, 2 минг дона дарахт оқланди. Бундан ташқари ўқувчилар 20 тонна қора металл йиғишиб, давлатга топширишди. Ҳашарда 104, 103, 101, 203, 179, 183, 184-мактабнинг педагог ва ўқувчилари, 265, 400, 413, 360-боғча мураббийлари намуна бўлишди.

Якшанба куни бўлиб ўтган ҳашарда асосан Қатортол, Сегизбоев, Турсунқулов кўчалари чиқиндилардан тозаланди. Районда ҳар бир мактабга алоҳида участка бириктириб қўйилган.

Шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш уч ойлигида ўқувчилар 5 минг туп дарахт ва 10 минг дона яшил тўсиқ ўтказишади. Ҳозир ана шу ўтказиладиган кўчатлар учун икки гектар ерда чуқурчалар қазилди.

Бинолар янада чирой очади

Чилонзор район уй-жой бошқармасидагилар уч ойлик планни муддатидан илгари 1 апрелда бажаришга аҳд қилиб ишламоқда. Ҳозирги кунда 64 та уй аҳолиси коммунистик турмуш деган юксак номни олиш учун мусобақа ўтказмоқда. Буларга уй-жой бошқармаси ва маҳалла комитетларининг активларидан тузилган группа бошчилик қилмоқда. Ана шундай группалардан бири 22-кварталдаги 8-уйга жойлашган. Аҳоли ўзларига бириктирилган территорияни чиқиндилардан тозалашиб, 220 квадрат метрдаги бўш майдонни хиёбонга айлантиришмоқда. Ҳозир бу ерда навбатдаги ўтқазиладиган кўчатлар учун чуқурчалар қазиб қўйилди. Бундан ташқари йўлкалар ремонтдан чиқарилиб, болалар майдонини ремонт қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Кўчат ўтқазилмоқда

Ленин районида кўчат ўтқазиш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бугунгача район меҳнаткашлари ва аҳолиси беш минг туп дарахт, йигирма минг дона яшил тўсиқларни кўча ва хиёбонларга экиб бўлишди. Ободончилар турар жой массивларида эса янги хиёбонлар ташкил қилишмоқда.

Фармацевтика институтининг студентлари ободонлаштириш уч ойлигида актив иштирок этишмоқда. Улар ҳар куни ўзларига бириктилган Кафанов ва Лоҳутий кўчаларига ҳашарга чиқишиб, ободончилик ишларини олиб боришмоқда. Авиация техникуми, медицина билим юрти, политехникум ва индустриал техникум ўқувчилари ҳам районларини янада обод, кўркам бўлишида бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Тошкент оқшоми

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

Ошкоралик муваффақият гарови

Халқ контролининг кўп сонли группа ҳамда постлари ҳар куни шаҳар корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига оид турли хил масалалар юзасидан текширишлар ўтказадилар. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини, хом-ашё тежамини назорат қилиб борадилар, хўжасизлик ва талон-торожга, бюрократизм ва одамларни овора қилишга қарши кураш олиб борадилар. Аммо халқ контролининг барча звенолари ошкораликнинг юксак даражасига эришгандагина ана шу кўп қиррали фаолият кўзда тутилган самараларни беради. КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССРда халқ контроли органларига партия раҳбарлиги ҳақида»ги қарорида бу фикр яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Тажриба шуни кўрсатдики, халқ назоратчилари кўп нусхали газеталар редакциялари ва завод радиоси, «Комсомол прожекторлари» ҳамда деворий газеталар редколлегиялари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораётган корхоналарда меҳнат унумдорлиги жуда юксак бўляпти, иш вақти кам йўқотилмоқда, жиҳозларнинг бекор туриш вақти кескин камайди. Тошкент электротехника заводида бу борада бой тажриба тўпланган. Халқ контролининг кўп сонли группа ва постлари бу ерда актив иш олиб бормоқда. Кўп нусхали «Ленинец» завод газетасида текшириш ва рейдларнинг натижалари мунтазам ёритиб борилиши натижасида улар фаолиятининг самарадорлиги икки баравар ортмоқда.

Тошкент трактор заводи назоратчилари ишида ҳам ошкораликка катта эътибор берилади. Халқ контроли группа ва постларининг фаолияти ҳақидаги мақолалар, корреспонденциялар, хабарлар мунтазам суратда «Тракторостроитель» кўп нусхали газетасида босилиб туради.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» заводи, Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи сингари корхоналарда ҳам назоратчилар кўп нусхали газеталар билан мустаҳкам алоқада иш олиб боряптилар.

Аммо шаҳримизда ҳали бир талай корхона ва ташкилотлар ҳам борки, уларда халқ назоратчилари ишида ошкораликка етарли эътибор берилмайди. Шаҳар халқ контроли комитетида яқинда бўлиб ўтган кўп нусхали газеталар редакторлари ва халқ контроли группалари вакилларининг семинарида жумладан ана шу ҳақда ҳам гапириб ўтилди. Узаро фойдали фикр алмашув жараёнида бир қатор қизиқарли таклифлар баён қилинди, мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди. Кўп нусхали газеталар саҳифасида фақатгина халқ назоратчилари ишидаги муваффақиятларни ёритиб қолмай, айрим группа ва постларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам принципиал равишда танқид қилмоқ лозим. Уз навбатида халқ контроли группа ва постларининг раислари ҳам ўтказилаётган текширишларнинг ошкоралигини кучайтиришга ҳаракат қилишлари керак. Бу эса халқ назоратчилари иши самарадорлигини янада оширишнинг асосий гаровидир.

● «Компрессор» заводи: маҳсулот сифати—ўткир кўзлилар назоратида ● Кўргазмали агитация воситалари—группа ва постларнинг яқин кўмакдоши ● Республика комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди ● «Металлобитремонт»: хом ашё сарфи ҳисобга олинмаяпти.

ПЛАНЛАШТИРИШ САМАРАСИ

ИШ ТАЖРИБАЛАРИДАН

ЙЎЛ ёки уйлар бунёд этилаётган, кўприк қурилаётган ёки ер ости бойликлари қайта ишланаётган жойларда Тошкент «Компрессор» заводида тайёрланган компрессор станцияларини учратиш мумкин. Бу компрессорлар ўзларининг фойдаланишда қулайлиги, пухталиги, узоқ муддатга чидаши, тўхтовсиз ишлаши билан шаҳримиздан ташқари жойларда ҳам шуҳрат қозонган. Заводда тайёрланаётган РКВН — 6 ротацион компрессорнинг вакуум-насосини Давлат Сифат белгиси аттестациясига топширилганлиги катта ютуқ ҳисобланади. Техника-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижаси корхона коллективи тўққизинчи беш йилликда ўз олдига қўйилган ҳамма вазифаларни шарафли адо этганлигидан далолат бериб турибди. 1971 — 1975 йилларда 54 миллион сўмлик ёки 104 процент товар маҳсулоти реализация қилинди. Корхонанинг умумий рентабеллиги йилига ўртача 24,8 процентга тўғри келади. Бу— планда белгиланган даражадан бирмунча ортиқдир. Шуни таъкидлаш керакки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бутунлай меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига кўпайди.

Завод 1973 — 1975 йилларда айниқса юксак суръатлар билан ривожланди. Планга қўшимча 1,7 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Планга қўшимча қўрилган фойда эса, 1 миллион сўмдан ошиб кетди. Коллективнинг бундай ютуқларга қандай қийинчиликлар билан эришганлигини тушунтириш учун тўққизинчи беш йилликда заводда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ҳаммаси янгиланганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Эскирган ПК—10М компрессор станциялари ўрнини ПР—10 М янги агрегатлар эгаллади. Бу агрегат 1972 йилда Лейпциг ярмаркасида катта олтин медалга сазовор бўлди. Булардан ташқари завод ПР —6М компрессор станциялари, РБ— 90 шатак компрессорлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ана шу машаққатли даврда завод ўзининг техника-иқтисодий кўрсаткичларини камайтирмай, балки ошириб борди. Бу ерда халқ назоратчиларининг катта улушлари бор.

«Компрессор» заводида ишлаётган юздан ортиқ халқ назоратчилари тўртта цех группалари ва олтита постга бирлашганлар. Халқ контролининг бош группасида ишларни аниқ ташкил қилиш мақсадида тайёрланаётган маҳсулот сифатини, социалистик мулкни муҳофаза қилиш, савдо ва умумий овқатланишни, завод транспорти ишини назорат қилиш секторлари тузилди. Халқ назоратчилари корхона коллективи ўртасида катта обрў қозонганлар. Уларнинг портретини завод Ҳурмат тахтасида кўриш, номларини эса, Ҳурмат дафтарида ўқиш мумкин. Группа ва постлар ишлаб чиқариш илғорларининг энг яхшиларидан, жамоатчи активлардан тузилган. Шундайлар учун заводга бўлган қизиқиш биринчи ўринда туради. Уларнинг ишлари кўп. Уларни айниқса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати кўпроқ қизиқтиради. Масалан, 1975 йилда заводда кўплаб қуймалар бракка чиқди. Бундай ҳолни компрессорларнинг асосий корпус деталларига охирги марта якунловчи ишлов бериладиган жараёнларда кўриш мумкин эди. Биринчи квартал давлат планини бажариш хавф остида қолди. Халқ назоратчилари олиб борган текширувлардан сўнг шу нарса равшанлашдики, брак бўлишининг асосий сабаби— Орск— Халилов металлургия заводидан келтирилаётган чўян қуймаларда экан. Бу қуймалар буюмнинг маълум жойларига ишлатиш учун яроқсиз экан. Халқ назоратчилари ёрдами билан бракни бартараф этишнинг энг тезкор чоралари кўрилди. Оқибат натижада компрессорлар учун деталь қуймалари сифати барча талабларга мос ҳолга келтирилди.

Биз халқ назоратчилари ўтган йили олиб борган 30 дан ортиқ текширувлардан фақат биттасинигина мисол келтирдик. Ана шу текширувлар натижасида иш вақтининг бекорга сарфланишига барҳам берилди, завод омборхонасидан деталлар тақсимлаш тартибга келтирилди, цехларда қимматбаҳо деталлар қатъий ҳисобга олинадиган бўлди ва ҳоказо.

Халқ назоратчилари эришаётган муваффақиятларнинг асосий гарови улар томонидан амалга ошириладиган иш планларининг пухта ва аниқ ишлаб чиқишдадир. Барча цех группалари ва постларнинг раисларида бош группа тавсияномалари бор. Бу тавсияномада уларнинг фаолиятлари белгилаб берилган. Шунга мувофиқ цехлардаги группа ва постлар ўзларининг ойлик ва квартал планларини тузадилар. Планга риоя қилишлик алоҳида кузатиб борилади.

Халқ контроли группаларининг энг муҳим таклифлари завод партия бюросининг кенгашида муҳокама қилинади. Масалан, 1975 йил январда назоратчилар иш вақтининг бекорга кетиши ва ускуналарнинг бекор туриши тўғрисида рейд ўтказдилар. Тўпланган материаллар партия бюросида муҳокама қилинди. Бюро қабул қилган қарорда цех маъмуриятларига белгиланган муддатда ишчи вақтининг бекорга сарфланиши сабабларини анализ қилиш ҳамда уларни қисқартириш юзасидан чоралар кўриш топширилди.

Завод партия бюроси халқ контроли органларидаги кадрлар ва активларни синчиклаб синовдан ўтказади. Номзодлар цехларнинг коллектив йиғилишларида муҳокама қилинади ва сайланади.

Партия бюросининг тавсияси билан заводда халқ назоратчилари мактаби ташкил этилган. Унда бир ойда бир марта машғулот ўтказилади.

Корхонада халқ назоратчиларининг иши кўринарли бўлишига катта эътибор берилмоқда. Завод коллективи ўтказилган рейд ва текширувлар натижаси тўғрисида бу ерда чиқадиган «Машиностроитель» кўп нусхали газетаси, цехлардаги деворий газеталар, халқ контроли варақа ва чақмоқлари, «Комсомол прожектори» орқали хабардор бўладилар. Булар энг яхши группа ва постларнинг ишини оммалаштириш, ўтказилган текширувларнинг таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси яқинда «Компрессор» заводи партия бюросининг халқ контроли группа ва постларига партиявий раҳбарлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда корхона халқ назоратчиларининг ишларига юксак ижобий баҳо берилди. «Компрессор» заводи халқ контроли группасининг иш тажрибаларини шаҳар халқ контроли органларидаги барча звенолар ўртасида кенг ёйиш тавсия этилди.

Ф. ОВЕЧКИН.

Тошкент подшипниклар ремонти заводи. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга катта эътибор беріляпти. Чапдаги суратда: халқ контроли группасининг активи подшипниклар реставрацияси цехининг комплектловчиси К. Н. Михалева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

* * *

«Геологоразведка» заводи. Пастдаги суратда — корхона халқ контроли группаси раисининг ўринбосари С. Л. Александрович ва группа аъзоси Н. Н. Плотников токарь Х. Урунов тайёрлаган деталлар сифатини текширишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

МУНОСИБ МУКОФОТ

«Главташкентстрой» 153-қурилиш трести тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида яхши натижаларга эришди. Ана шу муваффақиятга назоратчилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Трестда ва унинг бўлинмаларида 70 кишидан иборат халқ контроли бош группаси ишлаб турибди. Улардан 11 киши группа бюросининг аъзолари. Бюронинг ҳар бир аъзоси маълум бир участкадаги ишларга жавоб беради ва секторлардан бирига бошчилик қилади. Зарур ҳолларда секторларда халқ контроли муваққат постлари ташкил этилади. Ишга тушириладиган объектларга бириктилган ана шу постлар қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга, қурилиш материалларидан тежаб-тергаб сарфлашга эътибор берадилар. Трест бўлинмаларида ташкил этилган халқ контроли группаларига 226 киши бирлашган. Улар қурилиш-монтаж ишлари сифатини, машина ва механизмлардан тўғри фойдаланишни текшириш ва бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Халқ назоратчиларининг ёрдами туфайли трестда фойдаланишга топширилаётган объектларнинг умумий баҳоси 1975 йилда 3,7 балдан 4,0 балга ошди.

Иш вақтидан самарали фойдаланиш назоратчиларнинг ҳамиша диққат марказида. Масалан, контролёрлар таклиф этган текширувлардан сўнг иш вақтининг исроф бўлиши бир йилда 100 киши-кунга камайди. Ишга кечикиб келиш, сабабсиз ишга келмаслик, сменалар ўртасидаги вақтнинг исроф бўлиши қисқарди.

Трест назоратчилари материаллар сақланишини ўзларининг доимий назоратларига олганлар. Аниқланган камчиликлар ҳақида бош группага хабар қилинади. Уз навбатида бош группа камчиликни тугатиш учун оператив чоралар кўради. Айрим ҳолларда бош группа ёрдам сўраб партия ташкилотига ва трест маъмуриятига мурожаат қилади. Масалан, 1975 йил давомида трест раҳбарлиги халқ контролёрлари муҳокамага ҳавола этган сифат техника хатфсизлигининг аҳволи, объектларни фойдаланишга топшириш билан боғлиқ 16 масалани кўриб чиқди. Айбдорлар жиддий жазоланди.

Халқ контроли группаларига трест партия ташкилоти мунтазам ёрдам кўрсатиб келади. Текширув ва рейд материаллари ҳамда ана шу материаллар юзасидан кўрилган чоралар жанговар варақалар ҳамда «Комсомол прожектори» саҳифаларида кенг ёритилади.

153-қурилиш трести назоратчиларининг меҳнати муносиб тақдирланди: трест назоратчилари 1975 йили Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлиги билан мукофотландилар.

С. БОВКУН.

РАЙОНЛАР АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Чилонзор ва Ленин районларида бўлиб ўтган актив йиғилишларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, халқ контроли группа ва постларининг раислари КПСС Марказий Комитети декабрь 1975 йил Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил 12 августдаги «Латвия ССРда халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарори асосида халқ контроли органларига партия раҳбарлигини бундан буён янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Актив йиғилишларида халқ назоратчиларининг бир йиллик ишларига якун ясалди, эришилган муваффақиятлар таҳлил қилинди. Партия ташкилотлари ҳамда халқ контроли органларининг ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида амалга оширишлари лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор берилди. Актив йиғилишида сўзга чиққанлар таъсирчанликни ошириш, ошкоралик ва масъулиятни кучайтириш халқ назоратчилари фаолиятида асосий йўналиш бўлиши кераклигини таъкидладилар. Чилонзор район активи ишида шаҳар партия комитетининг секретари В. Барабаш қатнашди ва доклад қилди.

● Группа ва постларда

Ҳамиша изланишда

«Узгипрозем» институти халқ контроли группасининг фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Институт назоратчилари лойиҳалар сифати, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор беришяпти. Масалан, социалистик мусобақага якун ясашда ирригация бўлими группаси томонидан лойиҳа бош инженерлари ўртасида иш ҳажмининг нотекис тақсимланганлигига эътибор берилди. Назоратчилар тавсиясига биноан иш ҳажми қайта кўриб чиқилиб, қайтадан тақсимланди.

Янги ерлар бўлимида лойиҳа ишларига смета тузишда смета қиймати ошириб юборилганлиги аниқланди. Бу масала партия комитетининг мажлисида кўриб чиқилди, натижада айрим ҳужжатларга тегишли тузатишлар киритилди. Контролёрлар автомобиль хўжалигининг аҳволини ҳам текшириб чиқишди. Ремонт устахоналари ишини яхшилаш тўғрисидаги таклифлар партия комитетининг мажлисида кўриб чиқилди. Вақтида кўрилган чоралар автомобиль хўжалиги ишини яхшилаш имконини берди.

Е. ШАПИРО.

Сифат яхшиланди

Тошкент сут комбинати халқ контроли группаси 25 кишидан ташкил топган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, социалистик мулкнинг даҳлсизлиги, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик масалалари назоратчиларнинг диққат марказида.

Комбинат бир вақтлар Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоздан ифлос сут ола бошлади. Бу, албатта, сут маҳсулотлари сифатига салбий таъсир этарди. Группа раиси Н. Марчигина ва комбинат лабораторияси мудири З. Аъзамхўжаева колхозга йўл олишди. Ўтказилган текширув соғиш агрегатлари ва бидонларнинг санитария талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди. Назоратчиларнинг илтимосига биноан комбинат колхозга ювиш ва дезинфекция воситаларини юборди. Аҳвол тузатилди. Эндиликда сут топ-тоза олинаяпти.

Назоратчиларнинг иши жуда кўп. Масалан, улар сутларни қоғоз пакетларга жойлашда кўп чиқинди чиқараётганига эътибор беришди. Шу ҳақда маъмуриятга хабар бериб, тегишли чора кўрилишини илтимос қилинди. Натижада, қоғоз ўрами учларини елимлайдиган махсус қурилма ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу бир йилда 500 килограмм махсус қоғоз тежаб қолиш имконини берди. Шунингдек, сузмаларни ўрашга мўлжалланган талайгина қоғоз тежаб қолинди.

Назоратчилар меҳнат интизомига қандай риоя қилинаётганлигини текшириш учун бир неча марта рейд ўтказишди. Ишга кечикиб келувчилар умумий йиғилишларда муҳокама этилиб, жиддий жазоланди.

Текширишларда назоратчилар А. Раҳмонов, В. Каримқулов, ишчилардан Г. Широкова, У. Отабоева, бригада бошлиғи Н. Вагизова ва бошқалар актив иштирок этишяпти.

Комбинат коллективи 1975 йил планини 111 процент бажарди. Пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ана шу муваффақиятга халқ назоратчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

А. СЕРОВА.

● Редакция почтасидан

САВДО ҚОИДАСИ БУЗИЛМОҚДА

Ҳамза «Райпишчеторг»гига қарашли 30-магазин сотувчилари совет савдоси қоидаларини муттасил равишда бузадилар. Яқинда тортиб сотиладиган болалар емиши — олма пюреси олиш учун бу ерга кирганимда, товарнинг нархи ёзиб қўйилмаган эди. Сотувчи ярим литрли банкадагиси 20 тийин туришини айтди. Шу куни мен пюренинг баҳоси 20 тийин эмас, балки, 14 тийин туришини тасодифан билиб қолдим. Магазинга келиб тушунтиришларини сўрадим. Менга:

— Бизда накладной йўқ, шунинг учун унинг аниқ баҳосини билмаймиз, — деб жавоб қайтаришди.

Бу жавоб мени жуда ҳайратда қолдирди. Сотувчиларга товарларга нарх белгиламай пештахтага қўймасликни маслаҳат бериш учун шикоят ва таклиф дафтарини сўрадим. Уни менга беришмади. Орадан бир неча кун ўтгач, яна шу магазинга киришга тўғри келди. Мен харид қилган буюмни энди 15 тийиндан сотишаётган эди.

Магазинда фақат пюренигина эмас, балки, «Баян Ширей» виносини 77 тийин ўрнига 87 тийиндан сотишади. Бунинг боисини 1 январдан винолар баҳоси ошган, деб тушунтиришди. Менимча «Райпишчеторг» инспекторлари томонидан назорат суст олиб борилаётганлиги сабабли совет савдоси қоидалари бузилмоқда. Совет савдоси қоидаларига риоя қилишни улар синчиклаб, талабчанлик билан текширишлари керак.

А. КРИЛЛОВ.

● Район комитетларида

Назоратсизлик оқибати

Киров район халқ контроли комитети социалистик мулкни сақлаш бўйича «Металлобитремонт» комбинати фаолиятини текшириб чиқди.

Текширув комбинат омборхоналарида (қора металл, пўлат тахталар ҳамда ёғоч материаллари каби) қимматбаҳо материалларнинг очиқ ҳавода сақланаётганлигини ва ўз сифатини йўқотаётганлигини кўрсатди. Омборхоналардаги карточкалар системалаштирилмаган, уларда қимматбаҳо материалларнинг сақланишини бухгалтерия ёки ревизия томонидан текширилганлиги ҳақидаги ҳеч қандай маълумот йўқ. Комбинатда қора металларни ҳеч қандай тежалмаётганлиги тўғрисидаги фактлар ҳам материални сақлаш устидан назоратни сусайтирилганлигини исботлаб турибди.

Омборхоналарда материалларнинг сақланиши йўлидаги назорат сусайганлиги сабабли, 1975 йилда ички ишлар органи ходимлари томонидан Ш. Имомов бошчилигидаги омборхонадан 6251 сўмлик маҳсулот етмаслиги аниқланди.

Халқ назоратчилари комбинат бўйича қора металларнинг кирим ва чиқимлари бўйича ҳеч ким ҳисобот бермаслигини аниқладилар. Мавжуд ҳужжатларда ҳам қалбакилик борлиги ва ҳужжатларни тўлдиришда бошқа хатоларга йўл қўйилганлиги кўрсатилди. Бу ерда бухгалтерлар ва цех бошлиқлари томонидан буюртмаларни қабул қилишда квитанциялар нотўғри тўлдирилган.

Киров район халқ контроли комитети текшириш натижасини муҳокама қилиб, «Металлобитремонт» комбинати директори С. Абдуллаев ва бош бухгалтер М. Судаковага 1976 йилнинг биринчи мартига қадар комбинатнинг барча цехларида ва бўлинмаларида мавжуд нарсаларни ҳисобга олишни маълум қилди. Шунинг билан бирга ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш масалалари алоҳида таъкидланди. Район халқ контроли комитети корхонанинг ҳар бир ишчи ўрнида назоратсизликка чек қўйишни чеклаш бўйича кўрсатмалар берди.

Йўл қўйилган назоратсизлик, буюртмаларни нотўғри расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисобидаги ноаниқликлар учун «Металлобитремонт» комбинати директори С. Абдуллаевга огоҳлантириш берилди. Бош бухгалтер М. Судаковага эса қатъий огоҳлантириш берилди. Комбинат халқ контроли группасига ўз фаолиятини активлаштириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Халқ назоратчилари материалларнинг сақланишини ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилишини қаттиқ назорат остига олишлари керак.

А. ДОРОНИН.

● ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ҚОНУНСИЗ ҚЎШИМЧАЛАР

Ленин район халқ назоратчилари яқинда Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси — 1-трамвай депосида штат-молия интизомига риоя қилиш масаласини текширдилар. Рейд пайтида депода белгиланган маошни ошириб ёзиш, қўшимча маош олиш каби фактлар очиб ташланди. Масалан, корхонада план-техника бўлими бошлиғи вазифаси учун 165 сўм маош белгиланган. Унинг устига ўн сўм қўшиб қўйилган. Ана шу молиявий интизомнинг бузилиши сабабли давлатнинг 700 сўмга яқин пули бекорга тўланган. Депода шунингдек, ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехи бошлиғининг ҳамда секретарь-машинисткаининг маоши қонунсиз ошириб қўйилган. Бунинг учун 200 сўмга яқин ҳақ тўланган.

Халқ назоратчилари шунингдек, вақтинчалик ҳамда ўриндошлик йўли билан ишга қабул қилиш қоидалари қўпол равишда бузилганлигини аниқладилар. 1975 йил 10 декабрда депода меҳнат дафтарчаси бўлмаган ҳамда асосий иш жойидаги раҳбарлари ва касаба союз ташкилотининг розилигисиз 15 ишчи расмийлаштирилган.

Масалан, Г. Осипов, 1975 йил апрель ойидан ёрдамчи ишчи қилиб қабул қилинган. Аслида эса, у йил охиригача авария — қайта тиклаш хизматида шофер бўлиб ишлаган. Натижада Г. Осиповга қонунсиз равишда 700 сўмдан ортиқ ҳақ тўланган.

Назоратчилар депода вақтинчалик ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ кечикиб чиқарилаётганлигини аниқладилар. Бу, штат—молия интизомларини бузишга олиб келмоқда. Масалан, 4 декабрдаги буйруққа биноан корхонада беш слесардан иборат тажриба-экспериментал группа тузилган. Аслида эса, булар ноябрь бошларида ишга киришганлар. Улар оралик муддатда нима иш қилганлигини ҳужжатдан билиш мутлақо мумкин бўлмади.

Рейд натижасида депода 1975 йилда қонунсиз равишда 1600 сўмдан ортиқ ҳақ тўланганлиги аниқланд

Ана шу қонун бузишликнинг асосий сабаби депо халқ контроли группа ва постларининг ишни суст олиб борганликларидадир. Бу корхона назоратчилари маъмурият фаолиятини мутлақо назорат қилмайдилар, бошланган тадбирни ниҳоясига етказмайдилар. Ўзларига берилган ҳуқуқлардан етарли даражада фойдаланмайдилар. Халқ назоратчилари ўзларининг барча ишларини қисқа муддатда қайта кўриб чиқишлари керак.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

АДОЛАТ ВА БИРОДАРЛИК

Адолат ва биродарлик бизга: «Ўзингизга истаган ва орзу қилган нарсани бошқаларга ҳам истанг, истамаган нарсангизни бошқаларга ҳам истаманг, ўзингизни, қандай кўрсангиз, бошқаларни ҳам шундай кўринг», деб тавсия қилади. У ҳолда инсоннинг ўз ҳамжинсларига нисбатан қиладиган вазифаларининг хулосаси: адолат, биродарлик, садоқат, тўғрилик, ёрдам ва муҳаббатдан иборатдир. Булар гўзал ахлоқнинг биринчи ғоя, мақсадларидан саналади. Шунинг учун энг аввал ёш авлодимизга насиҳат қилиб айтамиз:

— Хайриҳоҳ, лутфкор, адолатпарвар бўлинг, ўзингизни қандай севсангиз, бошқаларни ҳам шундай севинг, муҳаббат боғланг. Улардан ёрдамингизни аяманг, ишда, сўзда тўғриликни ўзингизга касб қилиб олинг. Иффатли, номусли, ғайратли бўлинг:

Ожиздан ўгирма юзни, эҳсон қил,
Дардига табиблар каби дармон қил.
Мушкилини арз этса агар сенга,
Лутф ила мушкил ишларин осон қил.

ҲИКОЯТ — Қадим замонда Бағдод шаҳрида Абдулла исмли, хайр-саҳоватли, марҳамат-шафқатли, адолатпарвар, мўътабар бир одам яшарди. Эҳтиёжини арз этиб, ёрдам сўраб келган одамни қуруқ қайтармасдан унга ёрдам қўлини чўзарди. Шунинг учун у халқ орасида иззат ва обрўга эга эди.

Абдулланинг уч ўғли ва уларга атаган икки ҳовли билан жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир кун Абдулла ўғилларини ҳузурига чақириб:

— Ўғилларим, мен энди қаридим, анча ёшга кирдим, кўзим тириклигида боғ ва ҳовлини сизларга топширмоқчиман. Ўзаро келишиб, бирингиз боғни, иккитангиз ҳовлиларни олинг, — деди. Ўғилларнинг биттаси ҳам ҳовлига рози бўлмади, боғни ўзига талаб қилди. Абдулла бобо ўғилларининг келиша олмаганларини кўриб, бир оз ўйлаб тургандан кейин айтди:

— Ўғилларим, боғ ва ҳовлилар тўғрисида келиша олмаганингизни кўриб шу фикрга келдим: ҳаммангиз саёҳат қилиб, ер юзини айланинг, қайси бирингиз менга энг қимматбаҳо тош келтирсангиз, боғни ўша ўғлимга бераман, эшитдингизми?

Уч ўғил энг қимматбаҳо тош келтириш умидида саёҳатга чиқиб кетдилар. Катта ўғил бир неча ой сарсон ва саргардон бўлиб юриб, бир араб қабиласи жойлашган ерга келди. У қабила бошлиғининг тожида қимматбаҳо ёқутни кўриб қолди. Дарҳол бошлиқ билан танишиб, унга бир қанча нарсани совға тариқасида тақдим қилди. Кейин ўша ёқутни эсдалик учун беришини бошлиқдан илтимос қилди. Бошлиқ қабул қилиб, ёқутни унинг қўлига топширди. Шундай қилиб катта ўғил севина-севина уйига қайтди.

Абдулла бобо катта ўғлининг келтирган ёқутни олиб текширгандан кейин айтди:

— Ўғлим, чиндан ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан. Энди сабр қил, кўрайлик, укаларинг қандай қимматбаҳо тош келтирадилар. Ундан кейин боғ масаласини ҳал қиламиз.

Ўртанча ўғил ҳам қимматбаҳо тош ахтариб, бир денгиз бўйига етиб келди.

У ерда ғаввослар сувга шўнғиб, денгиздан қимматбаҳо тошларни олиб чиқардилар. Ўртанча ўғил ҳамма воқеани айтиб, улардан ёрдам сўради. Ғаввосларнинг раҳми келиб, унга битта қимматбаҳо тош ҳадья қилдилар. Фақат бу тошнинг усти ғадир-будир бўлиб қолгани учун уни тозалаш керак эди. Ўртанча ўғил ғаввосларга ташаккур айтиб, ўша ерга яқин бўлган шаҳарга қайтди. Дарҳол тош тозалайдиган устани топиб, унга шогирд бўлиб кирди. Бир неча ой хизмат қилиб, қўлидаги тошни тозалади. Кейин уйига қайтиб, тошни отасининг қўлига топширди. Абдулла бобо ўртанча ўғли келтирган қимматбаҳо тошни олиб:

— Ўғлим, сен ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан, сабр қил, уканг келсин, эҳтимол у ҳам қимматбаҳо тош келтирар. Ҳаммангизнинг келтирган тошларингизни текшириб, ким энг қимматбаҳо тош келтирган бўлса, боғни ўша ўғлимга бераман, — деб катта ўғлига айтган сўзларини такрорлади.

Кичик ўғил олти ой саргардон бўлиб юриб, ҳеч қаердан қимматбаҳо тош топа олмади, ниҳоят ноумид бўлиб уйига қайтишга мажбур бўлди. Уйига яқин қолган вақтда жуда чарчагани учун дам олгани бир ҳовлининг эшиги ёнида ўтирди. Ҳовли ичидан йиғи товуши эшитиларди. Кичик ўғил ҳайрон бўлиб, эшик тирқишидан ҳовлига қаради.

Ҳовли ўртасида бир сигир ўлиб ётарди. Учта ёш бола сигирни қучоқлаб йиғларди. Буларнинг ота-онаси ҳам сигирга қараб кўз ёшларини тўкарди. Кичик ўғил буларнинг йиғисига тоқатсизланиб, эшикни очиб ичкарига кирди, ҳовли эгаси билан кўришиб йиғининг сабабини сўради. У киши кўзларидан ёш тўкиб ҳол-аҳволини баён қилишга киришди:

— Энг камбағал оиламиз, дунёликдан ҳеч нарсамиз йўқ, фақат битта сигиримиз бор эди. Унинг сутини сотиб кун кечирардик. Мана, сигиримиз ҳам ўлиб қолди, энди нима қилишимизни билмай йиғлаб турамиз.

Кичик ўғил ҳам уларнинг ҳолига ачиниб, кўзидан ёш тўкди. Кейин болаларнинг юз-кўзларидан ўпиб, ота-онасига тасалли берди. Уйига ҳам қайтмай, у кишини ўзи билан бирга олиб бозорга кетди. Бозордан ун, ёғ, гуруч, нон ва бошқа нарсаларни сотиб олиб унинг уйига келтирди. Яна уй эгаси билан бирга мол бозорига бориб, энг яхши говмиш сигир сотиб олиб келтирди. Бечора дардманд оила аъзолари бу олижаноб йигитнинг қилган яхшиликларини кўриб, ўзаларини тутаолмай яна йиғига киришдилар. Болалар йигитнинг пинжига кириб, қучоқлаб йиғладилар, ота унинг бир елкасига, она иккинчи елкасига бошларини қўйиб, кўзларидан ёшларини оқиздилар. Кичик ўғил болаларни юз-кўзларидан ўпиб, уларни эркалади, ота-онага тасалли бериб, ўз уйига қайтди.

Олижаноб, мурувватли йигит уйига кириб, ота-онаси ва акалари билан кўришди. Абдулла бобо ўғлининг елкаларида қуёш нури остида ялтираб турган кўз ёшларига диққат қилиб:

— Сен ҳам қимматбаҳо тош келтирдингми? Елкаларингда нима ялтираб турибди? — деб сўради. Ўғли қимматбаҳо тош келтира олмаганлигини, елкаларида ялтираб турган нарса бир бечора дардманднинг кўз ёшлари эканини айтиб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди.

Абдулла бобо кичик ўғлининг сўзларини эшитиб, фарёд қилиб йиғлаб олижаноб ўғлига ўзини ташлади, уни қучоқлаб, юз-кўзидан ўпиб айтди:

— Олижаноб, мурувватли ўғлим, сен ҳақиқий ўғил эканингни билдирдинг. Мен шу вақтгача у бечоранинг ҳолидан хабарсиз бўлиб қолганман, бунга афсусланаман. Эй кўзимнинг нури, азиз ўғлим, сен у бечорага ёрдам этиб, инсоний вазифангни адо қилгансан. Инсонлар — бир-бирларига биродар эканликларини, адолатпарвар бўлишлари лозимлигини шу ишларинг билан кўрсатгансан, мен сендан розиман. Менга бир бечора, нотавоннинг кўз ёши мингларча қимматбаҳо тошлардан афзалдир. Белимнинг қуввати, севгили ўғлим, боғимни сенга бердим, бу боққа эга бўлишга фақат сен ҳақлисан, ўғлим, — деб яна йиғлаб юборди.

Адолат ва биродарлик вазифаларини бажо келтириш мана шундай бўлади!

Ш. ЗУННУН ғайёрлаган.

ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

ОКЕАНЛАР ОША

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамиятига жаҳон сувларида сузиб юрган совет кемаларидан турли хушхабарлар келиб туради. Ана шундай кемалардан бири «Бухоро» деб аталади. Унинг экипажи коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этганлиги, кема ҳаётида юз берган муҳим воқеалар ҳақида бир неча маълумотларни йўллаган.

Хўш, «Бухоро» кемасининг яратилиш тарихи қандай?

Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан Польша Халқ Республикасининг Гданьск шаҳридаги кемасозлик корхонасида ёғоч ташиш ишларига мўлжаллаган махсус теплоход қурилди. Бу воқеа 1966 йилнинг бошларида юз берган эди. Кема фойдаланишга топширилиш арафасида СССР денгиз флоти министрининг махсус буйруғига биноан унга Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири Бухоро номи берилди. Шундай қилиб Польша кемасозлари Совет Иттифоқи учун юк ташишда ҳар томонлама қулай бўлган лайнерни тантанали вазиятда тақдим этишди. Теплоходнинг сузиш маскани чегараланмаганлигидан ҳам унинг қувватини билиб олиш мумкин. Унинг бортига 6 минг тонна юк жойлашади. Денгизчилар меҳнат қилиши, яшаши учун барча шароитлар яратилган. Теплоход кўпинча Японияга кўмир ташиш билан банд бўлган. Кўёш чиқар мамлакатининг бирорта порти йўқки, у ерга «Бухоро» лангар ташламаган бўлсин. Теплоход Ҳиндистон, Корея, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Австралия, АҚШ ва Канадага ҳам борган.

Экипаж Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги ташкилотлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатганлиги учун ҳам унинг маданият бурчагида Ўзбекистондан олинаётган китоблар, газета-журналлар, фотосуратлар кўпайиб бормоқда. Океанлар оша сузиш пайтида бу материаллар Ўзбекистон ютуқларини намойиш қилишда қўл келяпти.

Ўтган тўққизинчи беш йиллик топшириғига қўшимча ярим миллион сўмга яқин даромад берган бу коллектив социалистик мусобақа ғолиби ҳамдир. Эндиликда у узоқ Шарқ — АҚШ маршрути бўйлаб қатнашга тараддуд кўрмоқда.

• ИНСОН ИНСОНГА ҲАМКОР

• ЭЛЛАР, ЭЛАТЛАР, ОДАТЛАР

• КЎҲНА ШАҲАР НОМИ БИЛАН

• ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

Шанба оқшоми

• Кенг истеъмол буюмлари

КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ

Шаҳримиз савдо тармоқларига чиқарилган ялтироқ ва қулай товарлар, ошхона наборлари, чўмичлар харидорлар диққатини ўзига тортди. Бундай истеъмол буюмлари «Союзхлопкомаш» бирлашмасининг заводида такомиллашган технология бўйича тайёрланмоқда. Корхонанинг мутахассислари барча ишлаб чиқариш участкаларининг имкониятларидан келиб чиқиб, асосан тежаб қолинган хом ашё ҳисобига хўжалик буюмлари тайёрлашни йўлга қўйдилар.

Шуниси муҳимки, корхонанинг кенг истеъмол буюмлари кўркамлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Масалан, товаларга илғорлардан фарқли равишда гидрогалтовка усулида ишлов берилмоқда. Бу эса маҳсулотлар устки қисмининг ялтироқ бўлишини таъминлаяпти. Ошхона пичоқлари набори ҳам уй бекаларига манзур бўлмоқда.

Завод коллективи кенг истеъмол буюмларига бўлган талабни ҳисобга олиб, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштирди. Корхонада январь ойининг ўзида мингдан зиёд товалар, 2 минг комплект ошхона пичоқлари набори, кўплаб миқдорда капгир ва чўмичлар ишлаб чиқарилди. Иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхона коллективига январь ойининг ўзида 20 тоннадан зиёд қора ва рангли металли тежаб қолиш имконини берди. Заводда енгил автомашиналар учун гаражларни ва турли катталикдаги илгакларни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

• Меъморлар устахонасида

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз ёш авлод тарбиясига жуда катта аҳамият бериб келмоқда. Энг сўнгги фан ютуқлари асосида замонавий ўқув комплекслари, мактаб-интернатлар, маданий дам олиш муассасалари ва болалар ясли-боғчалари қурилиши учун катта маблағлар ажратиляпти. Ўнинчи беш йилликда бундай объектлар яна ҳам кўпроқ қурилиб, улар энг замонавий шароитлар билан таъминланади.



Ўрта Осиё республикалари ва Қалмоқистон АССРга хизмат кўрсатадиган Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтининг бир группа меъморлари ана шу иқлим зонасида қурилиши мўлжалланган янги типовой болалар боғча-яслиси комплексининг лойиҳасини яратдилар. Институтнинг А. Ковалев, О. Зайнитдинов, С. Турсунбоева, С. Ременниклардан иборат иккинчи устахонаси архитектор ва инженерлари бу янги типдаги болалар ясли-боғчаси комплексининг жуда кўп ўринли бўлишига аҳамият бердилар. Бу янги боғча-ясли лойиҳасининг бошқалардан фарқи шундаки, бу ерда бир йўла 560—640 бола чақалоқлик давридан бошлаб мактаб ёшигача узлуксиз ҳолда тарбияланадилар.

Боғча-ясли комплексида тарбияланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун бу ерда олий маълумотли мутахассисларнинг ишлаши, шунингдек, комплекснинг айрим корпуслари энг сўнгги модадаги жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилган. Бундай типдаги янги боғча-ясли Ўрта Осиё учун биринчи типовой комплекс бўлиб у келгусида ҳозирча бу зонада бўлмаган мактабгача тарбия болалар комбинати қуриш учун база бўлиб хизмат қилади.

Сиз чапдаги суратда ўнинчи беш йилликда республикамиз ва қардош республикаларда қуриладиган йирик болалар ясли-боғчаси комплекси қиёфасини кўриб турибсиз.

А. ИМИНОВ.

• Газетага савол йўллабсиз

КОРХОНА СТИПЕНДИЯСИ

Ҳурматли редакция! Биз корхона, ташкилот йўлланмаси билан ишчи-хизматчиларни техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга юборишади деб кўп эшитганмиз. Ана шундай ўқишнинг тартиби ҳақида материал беришингизни илтимос қиламиз.

С. АЪЛОЕВ, Н. ХИДИРОВ, Экскаватор заводи ишчилари.

Саноат корхоналари, муассаса, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари илғор ишчи-хизматчи, бинокорлар, колхозчиларни олий ўқув юртлари, техникумларга ўқишга юборишга ҳуқуқлари бор. Лекин бунинг бир шарти бор. Йўлланма билан ўқишга келганлар, институт ёки техникумни тугатганларидан сўнг аввал меҳнат қилган жойларида, албатта ишлашлари шарт.

Ўқишга юборишга йўлланма бериш масаласини корхона, ташкилот раҳбарлари партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ҳал қиладилар.

Йўлланма билан олий ўқув юрти, техникумларда таълим олаётган студентларга одатдаги давлат стипендиясидан ўн беш процент ортиқ миқдорда ўқувчилик маоши тўланади. Техникум ва олий ўқув юртларини муваффақиятли тамомлаганларидан сўнг, бундай ёш мутахассислар йўлланма берган ташкилотларида энг камида уч йил ишлаб бериши лозим. Йўлланма берган корхоналар раҳбарларининг розилиги билан бундай мутахассислар бошқа ташкилотларга ҳам юборилиши мумкин.

• Сайёҳ саргузаштлари

Тоғ қишлоғи ажойиботлари

Тоғ қишлоқларининг ўзига хос файзи-тароввати, гўзал манзаралари борки, буларни сўз билан таърифлаш қийин. Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Ғелон деган тоғ қишлоққа борганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ривоятларга қараганда бир пайтлар ер қимирлаши натижасида тоғдан қишлоққа тошлар думалаган экан. «Думалаган» сўзи тожикчасига «Ғелон шудаги» демакдир. Шундан бери қишлоқ Ғелон деб ном олган эмиш.

Қишлоқ денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган. Унинг гузари Денав, Гузари Кўрон, Гузари Чарсон, Гузари Боло деган жойлари бор. Унда 450 дан ортиқ хўжалик яшайди.

Қишлоқнинг сув билан таъминлаш системаси ҳам жуда қизиқ. Тоғ устидан 200 метр узоқликдаги чашмадан сув труба орқали қишлоққа келтирилган.

Қишлоқ аҳолиси чорвачилик билан шуғулланади. Деҳқончилик ҳам ёмон эмас. Бу ерда Ўзбекистон бўйича энг яхши қизил картошка етиштирилади. Тоғ аҳолиси тоғ гиёҳларини, дўлана ва бошқа мева-чеварларни йиғиб-териб давлатга топширади. Булардан ташқари, қишлоқ аҳолиси ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланади. Жумладан, улар ясаган пичоқ Ўзбекистонда маълум ва машҳурдир. Усталар рубоб, тор, дoнра ясайдилар.

Ғелонликлар жуда меҳмондўст бўлишади. Улар меҳмон келган уйга кечқурун йиғилиб ўйин-кулги, ашулахонлик қиладилар.

Д. НОЗИЛОВ.

БЎРОННИНГ ҲОСИЯТИ

Даниялик мутахассислар шу йил январь ойи бошида Шимоли-Ғарбий Европа узра ўтган бўрон суви турғун ва қарийб чучук Болтиқ денгизига Шимолий денгиздан кислородга бой жуда кўп сув ўтишига ёрдам берди, деган хулосага келдилар. Сўнгги марта бундан роппа-роса чорак аср аввал шундай ҳодиса рўй берганди. Ўшанда шундай бўрон Болтиққа 200 куб километр янги денгиз сувини ҳайдаган ва бу нарса денгиз ҳайвонотига яхши таъсир кўрсатганди.

• Дам олиш соатларида

КРОССЧАЙНВОРД

Муҳтарам оқшомхонлар! Доирачалар ичидаги рақамлар билан белгиланган дастлабки ўн иккита сўз бир-бири билан «занжир» шаклида улана бориб чайнвордни ташкил этади. 13 рақамидан то 27 рақамигача горизонтал қаторларга жойлаштириб чиқиладиган сўзлар эса чайнворднинг сўзларидаги айрим ҳарфлар билан «кесишув» кроссвордни вужудга келтиради.

1. Ғалла ўсимликларидан бири. 2. Эшитиш органи. 3. Сувда сузиш учун ишлатиладиган кемача. 4. Ёзув асбобларидан бири. 5. Қирғиз халқ эпоси. 6. Соғлиқни мустаҳкамлаш ва жисмоний чиниқишга қаратилган физкультура машқлари мажмуи. 7. Драматик асарларни саҳнада акс эттириш санъати. 8. Трикотаж молларнинг бир тури (хотин-қизлар ўрайдиган мато). 9. Жануб томонларда ўсадиган доим яшил субтропик ўсимлик. 10. Сайловчиларнинг ўзлари сайлаган депутатга берган топшириқлари, талаб ва истаклари. 11. Мажлис, суҳбат, концерт ва шу кабилар ўтказиладиган катта хона. 12. Жанубий Америкадаги Перу давлатининг пойтахти. 13. Сув йўлларида кемалар тўхтайдиган жой. 14. Машҳур француз адиби Александр Дюма романидаги уч мушкетёрнинг бири. 15. Бириктириш қобилиятига эга бўлган ёпишқоқ маҳсулот. 16. Игнабаргли дарахт. 17. Судралиб юрувчи ҳайвонларнинг бир хили. 18. Сув остидаги миналарни тутадиган асбоб. 19. Шарқий Осиёдаги дарё. 20. Ҳўл меванинг бир хили. 21. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги персонажлардан бири. 22. Кимёвий элементнинг энг майда зарраси. 23. Ҳамма томони сув билан ўралган, қитъага нисбатан кичикроқ қуруқлик. 24. Бинокорларда хоналарни оқлаш учун ишлатиладиган материал. 25. Ширинлик. 26. Ўрмон ҳайвонларидан бири. 27. Иззат Султон яратган драма.

Тузувчи Ҳамидулла **АБДУЛЛАЕВ.**

31 ЯНВАРДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

БЎЙИГА: 1. Трест. 2. Океан. 4. Артек. 5. Терак. 6. Марс. 8. Ухта. 9. Орган. 10. Остап. 11. Нуқта. 12. Парад. 13. Алдан. 14. Обзор. 19. Лача. 20. Анжир. 21. Симоб. 22. Марш. 26. Қулоқ. 27. Форум.

ЭНИГА: 3. Аракс. 4. Астат. 6. Март. 7. Неру. 10. Орден. 12. Пахта. 15. Брасс. 16. Курак. 17. Алиби. 18. «Қамал» 20. Атлас. 22. Майор. 23. Патна. 24. Диван. 25. Айиқ. 27. Форш. 28. Рубоб. 29. Қовун.

• Эсингизда бўлсин

ЖУН КОСТЮМНИ ТОЗАЛАШ

Костюмни юмшоқ тўшама устига ёзиб қўйиб, новшадил спирти солинган сувда (бир литр сувга 2 ош қошиқ солинади) ҳўлланган чўткада тозаласангиз бўлади, кейин костюмни кийим осғичга бир неча минут илиб қўйинг, сўнг тоза оқ латта орқали дазмолланг ва пастдан юқорига қараб сал-пал чўткалаб газлама тукларини тўғриланг. Агар костюм доим тозалаб турилса, кўриниши узоқ вақтгача ўзгармайди.

Жун газламадан тикилган кийимларнинг кир босиб ялтираган жойларини эфирли бензин, аччиқ чой, қаҳноқ кофе ёки денатурат билан тозаласа ҳам бўлади, кейин кийимни қуритиб, устига ҳўл латта қўйиб дазмолланг.

• Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Прядильний кўчасида барча қулайликларига эга бўлган сартарошхона ва пойафзалларни ремонт қилиб берадиган пункт ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади.

* * *

«Марказ— 27» кварталида овоз ёзиш студияси биринчи мижозларини қабул қилди. Ой охиригача ана шу кварталда хўжалик моллари билан савдо қиладиган магазин, озиқ-овқат, сабзавот ва мевалар билан аҳолига хизмат кўрсатадиган магазинлар фойдаланишга топширилади. Йил охирига бориб ана шу ерда болалар кафеси ва кинотеатр ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлайди.

БОЛАЛАР СЕВГАН БОҒДА

РЕПОРТАЖ

ҲАЙВОНОТ боғига келиб оқ айиқ, фил, йўлбарс, қоплонларни кўришга қизиқмаган бола топилмаса керак. Қиш бу йил анча юмшоқ келгани учун шаҳримиз ҳайвонот боғи эшиклари ҳар куни очиқ.

— Қишнинг -ҳам ҳайвонлар учун завқи бор, — дейди ҳайвонот боғи ходими Аршалуис Тухманянц. — Бу пайтда баъзи жониворлар уйқуга киради, баъзилари актив ҳаракатда бўлади. Боғда ҳар куни қизиқ, ғаройиб воқеалар бўлиб туради. Шу қиш мавсумида қоплон, зебра, туяқуш болалади. Уларни қишлиқировли кунлардан баҳорги илиқ-иссиқ кунларга етказиб олиш учун ходимларимиз ғамхўрлик кўрсатишяпти.

Шаҳримиз ҳайвонот боғида ажойиботлар кўп. Яқинда бу ерга Жанубий Америкада учрайдиган кондор деган бургутсимон катта йиртқич қуш олиб келинди. Австралиядан келтирилган туяқуш ҳам янги об-ҳавога кўникиб қолди.

Ҳайвонот боғи директори ўринбосари Фатҳиддин Муҳиддинов биз билан суҳбатда ноёб ҳайвонларни муҳофаза қилиш, уларнинг сонини кўпайтириш ҳақида гапирди.

— Бизнинг Ўзбекистон шароитимизда қулон, жайронлар яхши ўсиб-кўпаяди, — деди у. — Ҳозирги ҳисобларга қараганда, Ўзбекистон территориясида, Пайғамбар оролда 700 бош қулон бор. Бу жуда кам. Тоғлиқ районларда эса жайронлар озайиб бораяпти. Бурама шохли тоғ эчкилари ҳам анча камайиб қолди. Бу жониворларни ов қилиш қатъий таъқиқланган, улар давлат муҳофазасига олинган.

Ҳайвонот боғида ҳозир 220 турда ҳар хил жониворлар бор. Оқ айиқ, фил, арслон, қоплон, йўлбарс, зебра ва бошқа ҳайвонлар қиш мавсумида боғ ходимлари томонидан алоҳида парвариш қилинмоқда. Африкадан келтирилган зебра қиш мавсумида битта болалади.

Қоплон бу йилги мавсумда 3 та болалади, лекин у ўз болаларини «иссиқ хона»да боқиб ётибди, ҳеч кимга «кўрсатгиси келмайди». Америкадан келтирилган туяқуш битта болалади. У ҳам «иссиқ хонаси»дан боласини олиб чиқмай ётибди.

Боғ ходимларидан Александра Петровна Бальдина жониворларга алоҳида меҳр-ғамхўрлик билан қарайди. Туяқушлар оиласига мансуб Жанубий Америкадан келтирилган лама деган ҳайвон унга жуда ўрганган. Лама ҳам ўтган йили ёзда болалади, улар бир «кичик ҳовли»да яйраб ўсаяпти.

Жанубий Америкадан олиб келинган тапир деган ҳайвон учун алоҳида иссиқ хона ажратилган. У бу хонада қишни «енгил» ўтказаяпти.

— Тапир одамга яхши ўрганади, — дейди Александра Петровна, — унга «уйга кир» десангиз, дарров айтганингизни қилади, овқат ейишга ҳам жуда хўрак.

Ҳайвонот боғида яна икки ҳафтадан кейин баҳорги мавсум бошланади. Шу кунларда бу мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қафасларни янгилаш, бўяш, янги хоналар қуриш, йўлка ва боғ саҳнини текислаш каби ишлар бажарилмоқда.

— Яқин йиллар ичида шаҳримизнинг Оқтепа массивида янги ҳайвонот боғи қурила бошлаб юборилади, — дейди боғ директори Тўра Худойбердиев. — Бу боғ юз гектарлик майдонда барпо этилади. Ҳозир ҳайвонот боғимизда икки юз йигирма тур жониворлар боқилаётган бўлса, янги боғда уларнинг тури янада кўпаяди. Шу билан бирга, янги ҳайвонот боғи зоолог, орнитолог ва биолог олимларнинг катта илмий лабораториясига айланади.

Т. АШРАПОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Шаҳримиз ҳайвонот боғида зебра ўз боласи билан сайрга чиқди. 2. Оқ айиқлар қор ёғмагани учун иссиқлаб кетишди. 3. Тапир деган бу ҳайвон жуда ювош.

● Бизнинг календарь

КУРАШЛАРДА ТОБЛАНГАН ШЕЪРИЯТ

Ўлганда ҳам қалб содиқ қолар,
Шеъримдаги эзгу онтимга.
Бош қўшиғим элга атадим,
Умримни ҳам берай халқимга.
(М. Жалил).

Татар совет адабиётининг тараққий этишига баракали ҳисса қўшган истеъдодли шоир, ажойиб ташкилотчи, татар операсининг асосчиси, ўзининг «Моабит дафтари» шеърий тўплами билан бутун жаҳонга танилган ватанпарвар шоир Муса Жалил туғилган кунга 70 йил тўлди.

Муса Мустафо ўғли Жалилов 1906 йилнинг 15 февралида Оренбург губерниясига қарашли Мустафино қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У жуда ёшлигиданоқ ўқишни ўрганиб олди. 6—7 ёшларида эса ўртоқларига Абдулла Тўқай ва Мажид Ғафурийларнинг шеърларини ёддан ўқиб бериб, уларнинг таҳсинига сазовор бўлар эди.

1913 йилда Мусалар оиласи Оренбург шаҳрига кўчиб ўтди. Ёш Мусани «Ҳусайния» мадрасасига ўқишга беришди. Шаҳардаги сиёсий ва адабий ҳаёт бўлажак шоир фикрларининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. У мадрасада ўқиш мобайнида турли махфий тўгаракларда актив иштирок этди. Мадрасадаги эски услубдаги таълим уни қониқтирмас, бу борада дўстлари билан қизғин баҳслашар эди.

Инқилобий воқеалардан руҳланган Муса 1919 йили комсомол сафига киради. Худди шу йиллардан унинг илк ижоди бошланади. Бир куни газета редакциясига юпунгина кийинган икки бола кириб келади. Бўй-басти пастроқ, юмалоқ юзли бола, хонага кирар экан, ҳаяжондан йирик кўзлари ёниб турар эди. Газета ходимларидан бири ким кераклигини сўраганда, бола қўйнидаги шеърини олиб, унга тортинчоқлик билан узатади. Редакция ходимларига шеърлар маъқул тушади. Бу бола бўлажак шоир Муса Жалил эди. Шундай қилиб, унинг шеърлари «Қизил юлдуз» номли фронт газетаси саҳифаларида, олдинма-кейин «Бахт», «Кетдилар», «Қизил Армия» номлари билан «Кичик Муса» тахаллуси остида босилиб чиқади. Ёш шоир ўзининг илк шеърларидаёқ (ҳали улар бадиий жиҳатдан бўш бўлишига қарамай) оддий меҳнаткаш халқнинг озодликка интилишини, Она Ватанга бўлган чин муҳаббатини куйлаш билан бирга, контрреволюционерлар ва оқ гвардиячиларга нисбатан халқ нафратини ҳароратли поэтик сатрларда баён этди. Халқни Ватан ҳимояси учун душмандан ўч олишга чақирди.

13 ёшида отадан етим қолган шоир Оренбургни тарк этиб, туғилиб ўсган қишлоғига кетади. У ерда пионер ва комсомол ташкилотларини тузади. Ўлка комсомол комитетининг аъзоси ва ячейка секретарлигига сайланади.

1922 йили Қозон шаҳрига бориб, редакцияда адабий ходим бўлиб ишлайди. Рабфакка ўқишга кириб, уни муваффақият билан тугатгач, бир неча йил комсомол раҳбарлик лавозимларида ишлаш билан бир вақтда, бадиий ижодни ҳам бўшаштирмайди. Биринчи шеърлар тўплами «Биз борамиз» номи билан 1925 йили чоп этилади. Шоирнинг тўпламга кирган лирик шеърларида Октябрь революцияси қуёши остида зулмдан қутулган озод кишининг шод ва бахтли ҳаёти куйланади. Тўпламдаги «Озодликни куйловчи шоир овози» номли асари Мусанинг халққа қарата айтган шоирона декларацияси эди. Шоир: «Мен халқим учун яшайман. Бунинг учун қувватимни йиғиб, олға интиламан. Халқим озодлиги йўлида курашиб, ҳалок бўларман, бу ҳам мени қўрқита олмайди. Халқим ҳуқуқини ҳимоя қилиб, асарлар битаман», — дейди.

Москва Давлат университетида ўқиб юрган даврларида шоирнинг иккинчи шеърлар тўплами «Ўртоққа» (1929) номи билан босилиб чиқади.

30-йилларда шоир ижоди янада камолот чўққисига кўтарилади. Бу даврнинг маҳсули сифатида унинг «Орденли миллионерлар» (1934) номли шеър ва поэмалар тўплами, «Олтинсоч» номли опера либреттоси, «Хат ташувчи» (1940) поэмаларини кўрсатиш мумкин. Кейинчалик Татаристон совет ёзувчилари союзига раҳбарлик қилган вақтида, татар совет адабиётининг юксалишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан бошқа ёзувчилар қатори Муса Жалил ҳам бир қўлига қурол, бир қўлига қалам олиб фронтга жўнайди. У ҳарбий мухбир сифатида бутун фронтни кезиб чиқади. Совет кишиларининг душман билан жон олиб, жон бераётганини ўз кўзи билан кўради. Бўш вақтларида шеърлар битади. У окопда ёзган шеърларида, хат орқали ўқувчиларини фронтдаги воқеалар билан таништиради: разведкачиларимизнинг жанговор ишларини («Тил»), госпитал ҳаётини («Баҳор»), душман томонидан вақтинча босиб олинган ерлардаги халқнинг машаққатли турмушини («Бирдамлик»), партизанлик ҳаракатини («Кўприк») батафсил поэтик мисраларда баён этиб, уларда немис-фашистларига нисбатан қаҳру-ғазабларни уйғотади. «Ватан уруши менинг ижодимда бурилиш ясади», — деб ёзган эди хатларидан бирида. Фронтда битган асарларини «Окопдан хатлар» номи билан бостиради.

1942 йилнинг ёз ойлари. Волхов фронтида қаттиқ жанг борарди. Ана шу машаққатли жангда Муса оғир яраланди. Шунга қарамай душман билан олишди, сўнгги ўқини ўзи учун асраб қўйди. Бироқ, на қилсинки, тўппонча ишламай қолди. Қонга беланган, мажолсиз, ҳушсиз қолган шоир фашистлар қўлига асир тушди. У сўроқ вақтида ҳам душманга бўй эгмади, зимдан уларга қарши яширин ташкилотлар тузиб, сиёсий ишлар олиб борди. Аммо, маккор душман шоирнинг асирлар орасида олиб бораётган яширин фаолиятидан хабар топиб, уни турмага ташлади ва ўлим жазосига ҳукм этди.

Қаҳрамон шоир ўлими олдида битган шеърларида ҳам, ўлим ҳақида эмас, балки келажак ҳақида, ғалаба ҳақида, азиз Ватани ҳақида ёзди:

Қувонтирса тақдир кўнглимни
Етиштириб эркка-йўлдошга,
Бағишлардим қолган умримни,
Эрк учун бу эзгу курашга.
(«Эрк»).

У Моабит турмасида юрак ҳарорати билан битилган юздан ортиқ поэтик асарлар ёзди. 1944 йилнинг августида немис-фашистлари севимли шоирни қатл этдилар. Аммо Муса Жалилнинг турмада битган асарлари ҳар қандай тўсиқларни енгиб она юртига етиб келди.

Муса Жалилга Улуғ Ватан урушидаги зўр мардлик ва матонати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. «Моабит дафтари» лирик шеърлар цикли учун эса 1957 йилда у Ленин мукофоти лауреати деган юксак унвон билан тақдирланди.

Қ. ОРИПОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти СССР халқлари адабиёти кафедрасининг доценти.

● *Бизнинг интервью*

Киноҳаваскорлар фестивали

КЕЧА республика «Билимлар» уйида Тошкент киноҳаваскорлик фильмлари биринчи кинофестивали очилди.

Мухбиримиз шаҳар киноҳаваскорлар клубининг раҳбари, кўрик жюриси раиси ўринбосари, кинорежиссёр Б. Хўжаевдан кинофестивалга қўйиладиган фильмлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Тошкент ҳаваскорлик фильмлари биринчи фестивалида 20 дан ортиқ студия ва клуб иштирок этади. Жумладан, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Сириус», тўқимачилар маданият саройи, агрегат, трактор заводларининг ҳаваскорлик клуби коллективлари иштирок этади. Шунингдек, Тошкент киноҳаваскорлар фильмлари фестивалига Ватанимиз пойтахти — Москва, Ленинград, Киев, Рига Самарқанд, Фарғона каби қатор шаҳарларнинг клублари ҳам таклиф этилган.

Киноҳаваскорлар фильмлари биринчи фестивалида намойиш этиладиган кинолентапарда асосан ишчилар, уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, турли ташаббуслар ҳамда маданий дам олишга катта эътибор берилган.

«Сириус» ҳамда «Глобус» студияларининг ленталари самолётсозларнинг меҳнат фаолияти, Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчилари ҳақида ҳикоя қилади. Шу билан бир қаторда киноленталарда табиатни муҳофаза этиш, ишчи ўринбосарлар тайёрлаш йўлида меҳнат қилаётган мураббийларнинг фаолияти кенг ёритилган.

Агрегат заводи, пойафзалчилар маданият саройи студияларида яратилган лентапарда эса корхонада туғилаётган ташаббуслар, изланишлар, шунингдек, ўз касбининг моҳир усталари ҳамда ёшларнинг коллективдаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.

Г. Градкин яратган фильмда эса меҳнаткашларнинг дам олиши тасвирланган. Н. Олейниковнинг «Орзумиз — БАМ» кинолентасида Тошкент шаҳридан Байкал-Амур магистрали қурилишида ишлашни орзу қилган икки дўстнинг ҳаёти тасвирланган. Фестивалда 50 дан ортиқ фильм кўрсатилади.

Тошкент область касаба союзлари Совети кинофестиваль учун учта мукофот — кинокамера, кинопроектор, магнитофон ва совғалар ажратди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|II да **Кўрмайин босдим тиконни,** 15|II да **Уйланиш** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|II да **Ажаб савдолар,** 15|II да **Хонума хоним** (кундузи), **Олифта** (кечқурун), 16|II да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|II да **Хазон бўлган баҳор** (17.30).

КИНО

14 ФЕВРАЛДА

Дунё (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Дерсу Узала — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун), «ВОСТОК» (18.30, 21.15), «МОСКВА» (18.30, 20.45), «НУКУС» (17.30, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тонгдан тонггача — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бўлиши мумкин эмас; Афоня — «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқурун).

Фавқулодда ҳодиса — «ЧАЙКА» (18.45, 21.45).

15 ФЕВРАЛДА

Дунё (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Дерсу Узала — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (11.00, 16.10), «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.15), «МОСКВА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тонгдан тонггача — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда); «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Афоня — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Бўлиши мумкин эмас: Афоня: — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Фавқулодда ҳодиса — «ЧАЙКА» (13.30, 18.45, 21.15).

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА
ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ
«ШУМ БОЛА»
АСАРИ АСОСИДА
СУРАТГА ОЛИНАЁТГАН
БАДИИЙ ФИЛЬМИДА
БОШ РОЛНИ
ИЖРО ЭТИШ УЧУН
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Конкурсда иштирок этишга 11—13 ёшли ўзбек болалари таклиф қилинади.

Бизнинг адрес: Чилонзор кўчаси, 1-уй: «Ўзбекфильм» киностудияси (соат 9.00 дан 18.00 гача учрашилсин). Телефонлар: 77—95—43, 77.95.37.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
МУЗЕЙИДА
(Куйбишев кўчаси, 30-уй)
15 февраль соат 12.00 да
«МЕДИЦИНАДАГИ ЯНГИЛИКЛАР» ЛЕКТОРИЙСИНИНГ
НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛАДИ.
«НИНА ТЕРАПИЯСИ КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА...».
ЛЕКТОР — Республика нина терапияси илмий-методик марказининг раҳбари, медицина фанлари кандидати Ф. Б. БОҚИЕВ.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати конторасини
16 февралда
«ЙЎҚОЛГАН ЭКСПЕДИЦИЯ»
(2 серия)
НОМЛИ РАНГЛИ, БАДИИЙ ФИЛЬМНИ
Кинотеатрлар экранларига
ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифлари — АВЕРИН ЗАК, ИСАЙ КУЗНЕЦОВ.
Постановкачи режиссёр — ВЕНИАМИН ДОРМАН.
РОЛЛАРДА: НИКОЛАЙ ГРИНЬКО, ВАХТАНГ КИКАБИДЗЕ, ЕВГЕНИЯ СИМОНОВА, АЛЕКСАНДР КАЙДАНОВСКИЙ, БОРИС СМОРЧКОВ, НИКОЛАЙ ОЛЯЛИН, ВИКТОР СЕРГАЧЕВ, СЕРГЕЙ ШЕВКУНЕНКО, ВАДИМ ЗАХАРЧЕНКО ва бошқалар қатнашадилар.

ФИЛЬМ 1918 ЙИЛДА ТИЛЛА КОНИНИ ИЗЛАБ, СИБИРЬ БОЙЛИКЛАРИНИ ОЧИШДА ЯНГИ ВАРАҚ ОЧГАН БИРИНЧИ СОВЕТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

УЗГЛАВТАРАНИНГ ЁҒОЧ—САВДО БАЗАЛАРИ
ҚЎЛИДАГИ ЁҒОЧ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
СОТАДИ:

ЁҒОЧ, ТАХТА, ИШГА ЯРОҚЛИ ГОРБИЛО ВА ШПАЛЬ, ҚУРУҚ СУВОҚ, ИЗОЛЯЦИОН ҚИПИҚ-ТОЛАЛИ ПЛИТА, ДЕРАЗА ВА РАНГЛИ ОЙНА, ЦЕМЕНТ, ШИФЕР, ЮВИЛАДИГАН ОБОЙЛАР, АЛИБАСТЕР, ОҲАК, МЕТАЛЛ ВА ЧЎЯН ТРУБАЛАР, МАЙДА СОРТЛИ ПЎЛАТ, ВАННАЛАР, РАКОВИНАЛАР, УНИТАЗЛАР ВА БОШҚА САНТЕХНИКА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, БЎЁҚЛАР ВА ҲАР ХИЛ ЛАКЛАР, ТУНУКА ТОВАРЛАР, ИНСТРУМЕНТЛАР ҲАМДА ҚУРИЛИШЛАР, УЙ-ЖОЙЛАР РЕМОНТИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН БОШҚА ТОВАРЛАР.

Мазкур товарлар аҳолига нақд пулга, ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларга эса майда улгуржи лимитга кўра белгиланган тартиб асосида пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЁҒОЧ САВДО БАЗАЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ ВА ДЎКОНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Салор ёғоч-савдо базаси ҳамда база ҳузуридаги магазин— Тюльпанов проезди, 19-уй;

МАГАЗИНЛАР:

1 — Уйғур кўчаси, 476-уй;
2 — Қўйлиқ бозори;
3 — Октябрь бозори;
4 — Олой бозори;
5 — Первомайск бозори;
6 — Богдан Хмельницкий кўчаси (Тўқимачилар саройи ёнида);
7 — Паркент бозори;
8 — «Чилонзор» массиви, Фарҳод ярмаркаси;
9 — Бешёғоч бозори;
10 — Зелёний бозор;
11 — «Октябрь» массиви;

Тошкент ёғоч-савдо базаси — Рисовая кўчаси, 2-тупик, 9-уй;

ФИЛИАЛЛАРИ:

1 — Металлистлар кўчаси, 100-уй;
2 — Шота Руставели кўчаси, 93-уй;
3 — Сергели посёлкаси.

БУНДАН ТАШҚАРИ ЁҒОЧ-САВДО БАЗАЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ, САМАРҚАНД, ФАРҒОНА, АНДИЖОН, НАМАНГАН, БУХОРО, НУКУС, ҚАРШИ, ТЕРМИЗ, УРГАНЧ, ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ, ОЛМАЛИҚ, АНГРЕН, ЯНГИЙЎЛ, ЧИРЧИҚ, БЕКОБОД, ҚЎҚОН, АСАКА, ҚУВАСОЙ, МАРҒИЛОН, ЯНГИЕР, БАХТ, ХИВА, НАВОИЙ, КАТТАҚЎРҒОН, ХЎЖАЙЛИ, ШАҲРИСАБЗ, ДЕНОВ, ШАРҒУН ШАҲАРЛАРИДА ҲАМ БОР.

САВДО КОРХОНАЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР

14 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун. «Камалак» программаси. 17.30 «Солдатча». Бадиий фильм (рус.). 18.10 «Уйча». Қўғирчоқ театрининг спектакли (ўзб.). 18.55 «Зангори экран» почтаси (ўзб.). **Рус тилида:** 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.35 «Ота-оналар университети». **Москва кўрсатади.** 20.10 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.55 «КПСС XXV съездининг делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз». 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.25 Ўзбек куйларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 XII Қишки олимпия ўйинларида. 23.45 «Э. Хиль ижросида А. Островский қўшиқлари». 00.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.25 «Л. Чкония куйлайди». Фильм-концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 XII Қишки олимпия ўйинлари. **Тошкент кўрсатади.** 20.10 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). **Москва кўрсатади.** 21.55 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили (ўзб.). 22.30 «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 6-серия (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа, 17.25 дан Душанба кўрсатади.

15 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 13.05 КПСС XXV съезди делегатлари билан учрашув. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 Бадиий фильм. 17.00 Халқаро панорама. 17.30 XII Қишки олимпия ўйинларида. Хоккей. ЧССР—СССР терма командалари. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Мультфильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). **Ўзбек тилида:** 19.30 «КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари!» Экранда — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Полиграфия, нашриёт ва китоб савдоси Давлат комитети. 20.00 «Адабий учрашувлар». Миртемир. 20.40 «Дала ишлари кундалиги». 20.50 Ўн минут музика. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион миниатюралар театри. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Марғуба Собирова куйлайди». **Москва кўрсатади.** 22.55 XII Қишки олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Кўргазмали чиқишлар. (Ёзиб олинган). 00.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. Болалар учун «Камалак» программаси. 10.20 «Ивасик-Телесик». Мультфильм. 10.30 «Қувноқ стартлар» (ўзб.). 11.30 «Физкультура ва спорт» (рус.). **Ўзбек тилида:** 12.00 «Иқбол» программаси. «Қизлар давраси». 13.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 13.30 «До-реми-фа-соль». Болалар учун музикали программа. 14.10 «Қишлоғимиз жамоли». «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси Э. А. Ашуров билан суҳбат. 14.25 Телевизион новеллалар театри. Жек Лондон. «Қотиллик». 14.55 Ота-оналар учун консультация (рус.). 15.25 Реклама ва эълонлар. 13.30 «Болалар учун. «Малишок» (рус.). **Москва кўрсатади.** 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.30 XII Қишки олимпия ўйинларида. 20.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.00 «Москванинг концерт заллари бўйлаб». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Ўлкашунослик клуби (рус.). **Москва кўрсатади.** 22.30 Катталар учун мультфильмлар программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.55 «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. (рус.). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа, 17.05 дан Фрунзе кўрсатади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
ЎРТА ОСИЁ «ЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
штамповкачилар, рухловчилар, слесарь-асбобсозлар, ремонтчилар, чархловчилар, расточкачилар, йўнувчилар, кесиш билан тешадиган станок ишчилари, қуювчилар, прессчилар, транспортчилар, насос станциялари машинистлари, созловчилар, газ-электр пайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, электромонтёрлар, қурилиш ишчилари, ўт ўчирувчи, бухгалтерлар, сайқал берувчилар, лекалчилар, комендантлар
КЕРАК

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг
РЕСПУБЛИКА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИГА
ИНЖЕНЕРЛАР: математиклар, радиоэлектроника бўйича программистлар
КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«Ўзплодоовошвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг «Ўзконсервтрест» коллективи бирлашма раисининг ўринбосари А. И. Қосимхўжаевга отаси
Иброҳим Бобохонович ҚОСИМХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, район маориф ходимларининг, касаба союзи комитети ва 37-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси С. Азизовага турмуш ўртоғи
Маҳмуд ХОДИЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.

14 ФЕВРАЛЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р—03200. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—3012.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33.02.49 дан 33.02.58 гача, Эълонлар бўлими — 33.81.42.